SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 3-APREL ■ PAYSHANBA ■ 43 (27.063) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 5440 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 10765 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 5440 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 6520 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад (фойда)дан олинадиган солиқ 24 фоиздан 20 фоизга, давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондининг 40 фоизидан 37,2 фоизига камайтирилганлиги муносабати билан бўшайдиган маблағларни мана шу мақсадларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 апрель

✓ МАҲСУЛОТ — ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

«Агама»нинг олтин медаллари

Зарафшондаги «Агама» трикотаж фирмаси 1990 йилдан буён Навоий кон металлургия комбинати тасарруфида фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда унинг 10 га яқин филиаллари мавжуд бўлиб, улар асосан Зарафшондаги пайпоқ тўқиш ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек, Навоий, Учқудуқ, Тошкент, Зафаробод, Красногорск шаҳарларидаги турдош корхоналардан иборат. Уларнинг ҳаммасида Швейцария, Япония, Германия ва Францияда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Корхонада чет элникидан қолишмайдиган юқори сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаётганлигининг сири ҳам шунда.

— Ўтган йили истеъмолчиларга 1,6 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб бердик, — дейди корхона бош директори Ҳамидулла Эргашев. — Умумий ишлаб чиқарган маҳсулотимиз 2,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса олдинги йилларга нисбатан қарийб икки баравар кўп. Сотилган маҳсулотларимиз ҳисобига 144 миллион сўмлик соф фойда олдик.

Бугунги кунда фирма маҳсулотлари Россиянинг Нижний Новгород шаҳридаги «Савдо уйи», Марказий Осиё ва Ҳамдўстлик мамлакатлари савдо бозорлари ҳамда мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида ташкил этилган дўконларда харидорталаб. Бу бежирим ва нафис кийим-кечаклар 1998 йил Мексикада, 2002 йил Нью-Йоркда ўтказилган халқаро кўргазмаларда олтин медалларга сазовор бўлган.

Корхонанинг 900 нафар ишчи-хизматчиси (уларнинг 80 фоизи маҳаллий хотин-қизлар) жорий йилда сунъий тола, пахта ва жундан ишлаб чиқариладиган тикув ҳамда қўлқоп тўқиш фабрикаларини ҳам барвақт ишга тушириш ва ялпи маҳсулот турини 80 тага етказиш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

✧✧✧

Суратларда: корхонанинг илғор ходими Р.Ўтепберганова; ип йигирувчи А.Костаева; (чапдан ўнгга) ўз ишининг устаси Ф. Байженов, корхона раҳбари Ҳ. Эргашев ва ишчи А.Бердалиева, цех бошлиғи Е.Звягенцева ўзаро мулоқотда; корхонанинг тайёр маҳсулотлари сотувда.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.



● ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Китоб тақдимоти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида инсон ҳуқуқлари мониторингининг долзарб муаммоларига бағишланган «Инсон ҳуқуқлари мониторинги» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур тўплам Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан ҳамкорликда нашр этилди.

Тақдимот маросимида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, тегишли вазирлик ва идоралар, илмий ва ўқув муассасалари, элчихоналар ва чет мамлакатлар ваколатхоналари, халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Маросимда сўзга чиққанлар мазкур нашр инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва унинг ҳимояси масалалари билан шуғулланаётган мутахассислар учун фойдали ва қизиқарли бўлади, деб умид билдирди.

Маросимда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси М.Хеккер сўзга чиқди.

(ЎзА)

Ўзбекистон бозорида «American Express»

Мамлакатимиз бозорида янги маҳсулот — «American Express» компаниясининг пластик карточкалари пайдо бўлди. Тошкентдаги Банклар уюшмасида ана шу илк пластик карточкалар тақдимоти бўлиб ўтди. Маълумки, «American Express» компанияси 1850 йилда ташкил топган бўлиб, молиялаштириш ва сайёҳлик хизматларини кўрсатади. Ҳозирги вақтда у жаҳондаги эътироф этилган нуфузли савдо белгисидир. Дарвоқе, «Бизнес Банк» «American Express»нинг Ўзбекистондаги ягона дистрибьютери ҳисобланади.

«American Express»нинг хизматларидан 120 мамлакатда кенг фойдаланиб келинмоқда. Пластик карточкалар бутун жаҳон бўйлаб 6 миллиондан ортиқ ташкилот томонидан тўловга қабул қилинади. Улар орқали тиббиёт, суғурта, юридик ёрдам, меҳмонхоналарга жойлашиш, авиачипталарни харид қилиш каби кўплаб хизматларда фойдаланиш мумкин.

«American Express» компанияси 4 турдаги — шахсий, корпоратив, олтин ва платина режаларидаги карточкаларни мижозларга тавсия этади. Улар ўзбек ишбилармонлари ва сайёҳларининг доимий ҳамроҳига айланади.

Алишер РЎЗИЕВ

! ДОЛЗАРБ МАВЗУ



ГАЗ: таъминот, хизмат ва ҳақли эътирозлар

АҲОЛИНИ СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ

«...Кўпгина олис қишлоқларимиз на табиий газ, на суюлтирилган газ билан таъминланган...»

Ислом КАРИМОВ

(Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунлари ва 2003 йил вазифаларига бағишланган Мажлисида сўзланган маърузадан)

Юртбошимиз мазкур масалага алоҳида тўхталиб, хусусан, аҳолини ичимлик сув ва табиий ҳамда суюлтирилган газ билан таъминлаш бугунги кун талаблари даражасида эмаслигини аниқ мисолларда кўрсатиб ўтганди.

Масалан, биргина газ таъминотини олинг: на табиий газ, на суюлтирилган газ билан ҳануз таъминланмаган олис-олис қишлоқларимиз Қашқадарёда 387 та, Самарқандда 226 та, Сурхондарёда 210 тани ташкил этиб турибди. Қолаверса, бундай рақамларни Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Бухоро сингари бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин.

Тўғри, эришилган ютуқлар оз эмас. Бугунги кунда қишлоқ жойларини табиий газ билан таъминланиш даражаси республика бўйича 75 фоизга чиқди. Агар 90-йиллар бошида Сурхондарёда бу кўрсаткич 3,2 фоиз бўлган бўлса, ҳозир 59 фоизга етди. Қашқадарёда 5,7 фоиздан 66 фоизга, Наманганда 10,5 фоиздан 70,5 фоизга, Андижонда 11 фоиздан 68,5 фоизга ўсди. Қисқасини айтганда, 2002 йилда барча вилоятларда газ тармоқларини қуриш ва ишга тушириш топшириқлари ортиғи билан бажарилди. Жами 3 минг 336 километр газ тармоғи фойдаланишга топширилди. 308 та қишлоққа биринчи марта табиий газ етиб борди.

Бироқ, юқорида таъкидланганидек, тармоқда ҳали ечимини кутаётган жуда катта муаммолар борлигидан ҳам кўз юмолмаймиз. Айниқса, чекка қишлоқларга баллонларда СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ **етказиб бериш масаласи ечимсиз жумбоқ бўлиб қолаётгани кишини ташвишга солмасдан қўймайди.**

Мухбирларимиз ушбу масала бўйича жойлардаги муаммо ва камчиликлар сабабларини ўрганишга ҳаракат қилишди.

2-БЕТ

! ДИҚҚАТ!

«СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар, ўзгаришлар, соҳадаги муаммолар бўйича саволлар, таклиф-мулоҳазаларингиз борми?

Шифохоналардаги шароит, беморларнинг дори-дармон билан таъминланиши, шифокорлар томонидан аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими?

Сиз тиббиётда қандай муаммоларга, қийинчиликларга дуч келмоқдасиз? Ўзингизни ёки яқинларингизни қийнаб келаётган хасталик юзасидан кимга ва қаерга учрашишни билмаётган бўлсангиз ***«Сиртқи қабул соатлари»****га мурожаат қилинг.*

Саволларингизга соғлиқни сақлаш вазири ***Феруз НАЗИРОВ*** *жавоб беради.*

Биз билан хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали боғланишингиз мумкин.

Мурожаатлар 10 апрелга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент, 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» *газетаси таҳририяти.*

Телефон: *133-69-45, 136-53-70.*
Факс: *133-12-56.*

BUSINESS BANK
Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

ИРОҚ ХАЛҚИ порлоқ келажакка ишонади

● МУНОСАБАТ

Ёшлигимда чет элда ўқишни ният қилган эдим. Бу мақсадимга эришиш йўлида Ватанимдан узоқларга кетишга тўғри келди. Ўша пайтлар ҳукумат рухсатисиз хорижга чиққанларни Саддам Ҳусайн режими ўн беш йил қамоқ жазосига тортар эди. Чет элда ўқиб юрган кезларим мени сиртдан ўлим жазосига ҳукм этишди. Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан сўнг, табиийки, бутун вужудим, диққат-эътиборим Ватанимга мухрланди. Бугунги кунда дунё оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, турли давлатларнинг телевидениелари Ироқда рўй бераётган воқеалар шарҳи билан тўлиб кетди.

Маълумотлар орасида ҳар бир ироқлик фуқаро Саддам Ҳусайн учун жангга киришга ва ҳатто унинг учун ўз жонини қурбон қилишга тайёр эканлиги ҳақидаги хабарларни учратиш мумкин. Бу эса ёлғондан бошқа нарса эмас! Бундай хабарларни фақат ўз фойдасини ўйлаган шахсларгина тарқатишмоқда. Ироқ халқи Саддам Ҳусайндан нафратланади. Биқинидан тўппонча тираб тургандан кейин одамлар «Яшасин, Саддам Ҳусайн!», деб ҳайқиришга мажбур бўлмоқдалар. Бутун Ироқ халқи Саддам Ҳусайннинг асири бўлиб қолган. Саддам Ҳусайнга ҳамду санолар айтмасанг пешонангга тўппонча тирашади. Ҳарбий ҳаракатлар пайтида ироқлик солдатлар сафлари орқасидан махсус бригадалар юриб, ўнгга-сўлга чекинганлар ўша жойнинг ўзида отиб ташланади, буни ироқликлар биладилар.

Мамлакат бўйлаб айғоқчилик кенг тус олган. Қаерга қараманг — айғоқчилар. Истаган одам устидан махсус хизматларга чақув етказилади. Саддам Ҳусайн халқаро коалициянинг ҳар бир асирга олинган жангчиси учун 25 минг доллар, ўлдирилгани учун эса 8 минг доллар тўлашга ваъда бериб турган пайтда ватанпарварлик ҳақида гапириш ортиқча бўлса керак. Оддий ироқлик фуқаронинг икки долларга тенг бўлган ойлиги билан солиштирганда бу жуда катта маблағдир.

Ушбу можаро дипломатик ёки ҳарбий йўл билан ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги икки хил қарашлар хусусида қуйидагиларни айтиш жоиз. Президент И.А. Каримов айтган ўз хоҳиш-истаги билан ҳеч қачон қуролсизланмайдиган жин мана шу Саддам Ҳусайн бўлади.

Нафақат араб дунёси, балки бутун жаҳон унда кимёвий қурол борлигини ва бу қурол Ироқ халқига қарши ишлатилганлигини билади. Айни пайтда Ироқда мунтазам жойдан-жойга кўчиб турадиган кимёвий лабораториялар ҳам сақланган. Танг вазиятга тушиб қолганда Саддам кимёвий қуролини ишлатишига юз фоиз ишончим комил.

Дипломатик йўллар билан Ироқни қуролсизлантиришнинг иложи йўқ эди. Бунинг учун унга бир неча бор имконият берилди. Саддам Ҳусайннинг ўзи буни истамади. Ироқ халқи тинч яшаши учун Бирлашган Араб Амирликлари Саддам Ҳусайннинг истеъфоси эвазига ҳатто унга бошпана беражагини билдирди. У бу таклифни рад этди. Ҳарбий режим шароитида у ҳукумат тепасида қолиб, уруш олиб бормоқчи. Чунки осойишта ҳаёт пайтида у бунинг уддасидан чиқа олмади.

Ушбу мақола муаллифи ҳақида: **Аҳмад ал-Зубайди Ироқда туғилган. «Баас» партиясига киришдан бош тортгани сабабли мамлакатни тарк этишга мажбур бўлган. Ўзбекистонга 1983 йилда келган ва турли ташкилотларда таржимон бўлиб ишлаган, «Абу Даби» телевидениесининг махсус мухбири бўлган. Ҳозирги кунда Лондонда араб тилида нашр этиладиган «Аз-Замон» газетасининг махсус мухбири.**

3-бет

Ўзбекистон талабаларининг тақдимоти

Буюк Британиянинг Лафборо университетида «Халқаро кун — 2003» дея номланган дунё мамлакатлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Анъанага айланган ушбу кўргазма университет халқаро талабалар ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган.

Кўргазма иштирокчилари университет талабалари томонидан ташкил этилган ахборот лавҳалари ва маданий дастурлари воситасида турли мамлакатлар маданияти ва анъаналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Талабалар ижросидаги дунё халқлари миллий рақслари ҳамда куй ва қўшиқлари кўргазмага ўзгача шукуҳ бахш этди.

Мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси кўмагида «Умид» жамғармаси стипендиатлари томонидан ташкил этилган Ўзбекистон стенди кўргазмаси иштирокчиларининг алоҳида эътиборига сазовор бўлди. Унда намойиш этилган видеолавҳалар, китоблар, халқимиз меъморчилик ва халқ ҳунармандчилик санъати намуналари тадбир қатнашчиларида юртимиз тарихи, бой маданияти ва бугунги ҳаёти хусусида жонли таассурот қолдирди.

Лафборо университети проректори, профессор Девид Уоллес ўзбекистонлик талабаларнинг кўргазмадаги иштирокини юксак баҳолади.

— Мен Буюк ипак йўлининг дурдонаси ҳисобланмиш тарихий ва ажойиб ўлкангизга боргандай бўлдим, — деди жаноб Уоллес. — Уларнинг ўз ватани, унинг тарихи ва бой маданиятига бўлган чексиз муҳаббати ҳамда эҳтиромининг гувоҳи бўлдим. Аминманки, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган бу каби иқтидорли ёшлар юртингиз тараққиёти ҳамда порлоқ келажаги йўлида юксак муваффақиятларни қўлга киритади.

Мардон ЁҚУБОВ,
«Жаҳон» АА,
Лондон.

Гулистонда маънавият кошонаси

Гулистонда вилоят Маънавият ва маърифат маркази янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги марказнинг ҳашаматли биноси Алишер Навоий номли вилоят кутубхонаси негизида барпо этилди. У шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, Гулистон кўркига кўрк қўшмоқда. Маънавият кошонаси Шарқ ҳамда замонавий меъморчилик ютуқлари асосида барпо этилгани билан диққатга сазовор. Уни барпо этишда сирдарёликлар қатори Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларининг моҳир қурувчилари, халқ усталари ҳамда безакчилар иштирок этдилар. Мутахассисларнинг таъкидлашича, марказ қурилишига бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланган. Бу эса республика ҳамда вилоятда маънавият ва маърифат соҳасига берилаётган эътибордан нишонадир. Марказнинг тантанали очиш маросимида вилоят ҳокими Равшан Ҳайдаров иштирок этди.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон» телеканалида — «Қишки соната»



Корея Республикасининг «Самсунг» компанияси ўз электрон маҳсулотлари билан машҳур. У айни чоғда ижтимоий ривожланишга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Компаниянинг умид қилишича, келажак ривожланиши халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликка боғлиқ. Мамлакатимизда бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган «Самсунг» компанияси ўзбек ва корейс халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам интилмоқда. Ёдингизда бўлса, 3 йил муқаддам «Самсунг» ўзбек томошабинларига «Қалбим чечаги» кўп серияли фильмни ҳавола этган эди. Бу йил эса у янги фильмни — «Қишки соната»ни тақдим қилмоқда. Мазкур кўп серияли фильм 2002 йили Корея томошабинлари орасида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Хитой, Малайзия, Таиланд, Япония томошабинлари муҳаббатига ҳам сазовор бўлди.

«Ўзбекистон» телеканалида яқин кунларда «Қишки соната» фильми намойиши бошланади. Фильм ҳар душанба ва сешанба кунлари намойиш этилади.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

«Варраклар байрами»

Пойтахтимиздаги «Боғи Эрам» маданият ва истироҳат оромгоҳида мактаб ўқувчиларининг республика миқёсидаги «Варраклар байрами» ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги ва республика Ўқувчилар техник ижодиёти маркази ташкил этган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 70 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилар ўзлари ясаган варраклари билан қатнашди.

Мусобақа якунларига кўра, қорақалпоғистонлик Адилбек Нуримбетов «Лайлак» тури бўйича биринчи ўринни, Тошкент шаҳридан Шукур Носиров «Варрак» тури бўйича, «Ҳажмли» тури бўйича бухоролик Дилшод Ҳалимов ва «Эксперименталь» тури бўйича самарқандлик Григорий Георгийлар энг юқори ўринларни эгаллашди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан рағбатлантирувчи мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад ўқувчи-ёшларимиз онгига анъана ва қадриятларимизни сингдириш, қолаверса, миллий ўйинлардан бўлган варракларнинг турли хилларини ясаш ва ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини кучайтиришдир.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ГАЗ: таъминот, хизмат ва ҳақли эътирозлар

АҲОЛИНИ СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲВОЛИ ВА МУАММОЛАРИ



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Эътибор бўлмагач, умид ҳам сўнаркан

Бир пайтлар Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида, айниқса, овулларда суюлтирилган газларга талаб кучли эди. Кейинги йилларда эса унга эҳтиёж камайиб кетди. Негаки, мавжуд эҳтиёжни қондиришга айрим маҳаллий раҳбарлар етарли эътибор беравермагач, ундан фойдаланмай қўйишди ва шу тариқа умид ҳам сўнди.

— Ҳозир 4 тагина хўжалик суюлтирилган газдан фойдаланмоқда, — дейди **Беруний газтаъминот идораси масъул ходими Маҳмуд ҚОРАЕВ.** — 2001 йилда 91,4 тонна ўрнига 53,3 тонна, 2002 йилда 91,4 тонна ўрнига 31,2 тонна суюлтирилган газ олинди.

Тумандаги «Бийбозор» ширкат хўжалигининг бош ҳисобчиси Аҳмад Хўжаев билан суҳбатлашганимизда у хўжаликда қанча хонадон суюлтирилган газдан фойдаланаётгани-ю, қанча газ плиталари борлиги ва уларнинг ҳолати ҳамда бошқа газга алоқадор маълумотлар ҳақида ҳеч нарса деёлмади.

— Хўжалигимизда 900 хўжалик — оила борлигини биламан, — деди у. — Нукусдан газ келтиришга 1 та «КамАЗ» машинаси қўйганмиз. Ҳайдовчи Отахон Ҳасанов газни ўзи олиб келади, ўзи хонадонларга тарқатади...

— Хонадонларни суюлтирилган газ билан таъминлаш муҳим вазифа эканлиги ҳақидаги гапни энди эшитаяпман, — дейди **Беруний номли ширкат хўжалиги раиси Р. ҚУРАМБОЕВ**, — Ҳозиргача на тумандаги, на Нукусдаги газ таъминотчилардан биронтаси келиб ҳол-аҳвол сўраган эмас. 2000 хонадонга яқин аҳоли суюлтирилган газдан фойдаланиши керак. Лекин шу кунга келиб, уларнинг кўплари суюлтирилган баллонли газлардан умид узишди. Керак пайтда келмагач, нима кераги бор унга кўз тикиб...

Тўрткўл туманидаги «Ғалаба», «Ўзбекистон» каби ширкат хўжаликлари аҳолисига бу иш учун масъул кишилар ва транспорт воситалари ажратиб берилмаган ҳам. Шунингдек, Мўйноқ, Бўзатов, Кегайли, Элликқалъа каби туманлардаги хўжаликларда ҳам аҳвол шу.

Республикада суюлтирилган газни олиб келиш, уни хўжаликларга етказиб бериш ва ким газ олаяпти-ю, ким олмаяпти, деган ишлар билан деярли ҳеч ким шуғулланмаяпти. Нукус суюлтирилган газ тўлдириш базаси ўтган йили Муборак газни қайта ишлаш заводидан фонддаги 100 тонна ўрнига 33,2 тоннагина газ олди, холос. Бухоро газ тўлдириш станциясидан ва «Шўртангаз-кимё» комплексидан олинаётган газ миқдори ҳам бугун аҳоли эҳтиёжини таъминлай олмаётир.

— Ўз фондимизни ўзимиз ололмаётганимизнинг яна бир сабаби, — дейди **Нукус суюлтирилган газ тўлдириш базаси директори Барлиқбой ПИРНИЁЗОВ.** — Илгари Муборак газни қайта ишлаш заводи билан Бухоро газ тўлдириш станциясидан суюлтирилган газни ўзимиз автогазовозларда ташиб олардик. Сўнгги пайтларда газовозларимиз бузилиб қолиб, бунга эришолмадик... Лекин ҳар бири 200 куб метр газ сиғадиган ҳажмда 10 та резервуаримиз бор, яъни 1000 тонна газ қабул қилиб олишга қурбимиз етади-ю, марказий бошқариш пультимиз, газ ва тўлдириш цехимиз, газ қуйиш ускуналари, газ баллонларини таъмирлаш цехи ва бошқа бир қатор асбоб-ускуналар эскириб, айримлари занглаб ётибди. Бунинг устига иморатларимиз таъмирталаб. Ускуналар бостирма тагида турган бўлса-да, атрофдан урган қор-ёмғир таъсирида занглаб қолаяпти, эҳтиёт қисмлар йўқ. «Ўзтехгаз» давлат шўъба корхонаси директори А.Вакилов Нукусда бўлганида «смета тайёрлаб юборинг, капитал таъмир учун маблағ ажратамиз», — деганди. Ўтган йили смета тузиб, юбордик, лекин ҳалигача хабар йўқ...

Хуллас, «у» деймиз, «бу» деймиз бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида камида 18 минг 50 хонадон суюлтирилган газ олиши керагу, лекин юқоридаги сабаблар, аниқроғи, баҳоналар билан истеъмолчилар талаби қаноатлантирилмаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Қанча қовун пишиғи бор?

Табиий гази олис Уралгача бориб етган Бухоро вилоятида бугун 108 та қишлоқда яшовчи 22587 хонадон соҳибаси ўчоғида ҳамон топилса ўтин, топилмаса тезак тутамоқда. Нега? «Бухорогазтаъминот» шўъба корхонасидагилар эса бизда қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражаси бошқалардан анча юқори — 92,8 фоиз деб кўкрак керишади. Аслида ҳам шундайми?

Агар вилоятнинг Олот, Қоракўл, Вобкент, Шофиркон ва бошқа қатор туманларида амалдаги ҳолат ўрганилиб чиқилса, қоғозбозлик нечоғлик авж олгани кўзга яққол ташланади. Бугун қишлоқ жойларида газ таъминоти — Олот туманида 64,7 фоиз, Вобкентда 62,8, Шофирконда 75,6 фоиз, Қоракўлда эса қарийб 80 фоизни ташкил этади. Энди қишлоқда умри мўл-кўлчилик яратиш йўлида ўтаётган деҳқону чорвадор, соҳибкору ғаллакорнинг турмушини газсиз кўз олдингизга келтиринг? Электр таъминотида пала-партиш узилишлар сурункали такрорланиб турилган кечаги қишқировли кунларда меҳнаткашнинг қозони қандай қайнаган, бу уларнинг ўзларига аён, холос.

Вилоятнинг олд туманларидан бири — Қоракўлда газлаштириш ишлари талабга жавоб бермайди. Гарчи ҳисоботларда ишлар бинойидек қилиб кўрсатилса-да, истеъмолчилар соҳа хизматидан норози. «Ўзбекистон», «Бухоро», «Янги ҳаёт» ширкат хўжаликларидаги Мирзоқалъа, Кетмондуни, Заҳим, Жиғачи, Осиё қишлоқлари, Субҳон Одилов номли ширкат хўжалигида ҳалигача газ йўқ.

— Бизда 2116 та оила суюлтирилган газ билан таъминланиши даркор, — дейди **«Қоракўлгаз» шўъба корхонаси бош ҳисобчиси Фахриддин ҚУШНАЗАРОВ.** — Ҳар ойда ўртача 564 та (ҳар бири 10 кг.ли) суюлтирилган газ келтириб беришади. Уни сотиш эвазига катта зарар кўраяпмиз. Шу боис...

Мана, калаванинг учи қаерда? Бош ҳисобчининг айтишича, бултур ҳаммаси бўлиб 69 тонна ёки 6900 та суюлтирилган газ тўлдирилган баллон юқорида кўрсатилган оилаларга 340 сўмдан сотилди. Шунинг эвазига 1 миллион 275 минг сўм зарар кўрилди. Нима учун?

— Юқорида санаб ўтилган қишлоқлар туман марказидан анча олис, — дея тушунтирди Ф.Қўшназаров. — Баллонларни тарқатиш учун кўп бензин ва кўп ишчи кучи сарфланади. Бунинг устига уни аҳоли ҳамма вақт ҳам олавермайди...

Қаранг, бу худди чўпчакнинг ўзи! Қишлоқ аҳолиси ҳар битта баллонли газни беш минг сўмгача сотиб олаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бултур тарқатилган баллонлар ҳар бир оилага йил давомига бўлинса 3 таданга тўғри келяпти. Бу дегани, ҳар бир хонадонда 45 кун газ бўлган, холос. Ахир, биргина қишнинг ўзи 90 кун давом этади-ку?! 2002 йилда вилоят аҳолисига 370,7 тонна суюлтирилган газ етказиб берилганлигини инобатга олсак, мутасаддилар «оч қорним — тинч қулоғим» қабилида иш тутмаганми?

— Мутасадди раҳбарлар «илгари бу ерларга катта ўлчамли қувурлар ўрнига кичиклари тортилган, шу боис газ юборишнинг иложи йўқ», — дейиш билан ўзларини масъулиятдан олиб қочишади, — дейди қишлоқ кексаси **Ж.Ҳамроев**. — Бир тележка ўтин эса 15-20 минг сўм...

Буктарой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 7 та қишлоқда ҳам худди шу манзара.

— Арз билан «Ғиждувонгаз» бошлиғига мурожаат қилиб, ноқонуний фаолият кўрсатаётган ғишт заводлари ва парниклардаги газни узишни сўрасак, — дейди қишлоқ оқсоқоли **Усмон Истамов**, — боринглар, бу ишни ўзларинг ҳал қилинглар, дейди.

— Бунинг устига, — дея суҳбатга қўшилди окработлик отахон **Аҳад Раҳимов**, — райгаздагилар уялмай-нетмай газ ҳақини тўланглар, дея келишгани-келишган. Инсоф борми буларда?

— Ҳар йили 2382 та хонадонга табиий газ олиб кириляпти, — дейди **«Бухорогазтаъминот» шўъба корхонаси директори Аҳад ҲАЙДАРОВ.** — Шу ҳисобдан суюлтирилган газдан фойдаланувчи хонадонлар сони бундан кейин ҳам йил сайин камайиб бораверади...

Савол туғилади: Йил сайин камайиб боргунча ҳали қанча қовун пишиғи бор?

Даврон БАҲРОНОВ

Талаб катта, имконият эса...

Бир кунда 20 минг тоннагача газни баллонларга тўлдириш қувватига эга Самарқанд вилояти суюқ газ сотиш корхонасида газ қуйиш баллонлари етишмовчилиги боис талайгина муаммолар юзага келмоқда. Ҳозир корхонадаги 500 та газ баллонларидан 230 таси таъмирга муҳтож.

Вилоятнинг деярли барча туманларида суюлтирилган газга бўлган эҳтиёж катта бўлгани ҳолда истеъмолчилар талаблари тўла қондирилмаяпти. Аҳолисининг ярми ҳам газлаштирилмаган Қўшработ туманига ўтган январь, февраль ойларида бор-йўғи 10 кг. ҳажмдаги суюлтирилган газ қуйилган баллонлардан 1200 дона етказиб берилган, холос. Келинг, яхшиси, бу борада фуқароларнинг гапларига қулоқ тутайлик.

Юсуф ЭРГАШЕВ, Қўшработ тумани, Жўш қишлоқ фуқаролар йиғини фуқароси.

— Эй, ука, табиий газни-ку, қўяверинг, баллонли суюлтирилган газни ҳам кўрмай қўйганимизга 4-5 йил бўлаяпти. Оқибатда, тоғ ён бағирларидаги дов-дарахтлар ва бодомларга қирон келиб, ўтин бўлиб кетмоқда. Одамлар бир амаллаб ўтин топса-ю, рўзғорини тебратса... Ҳали-ҳали эслайман, ёшлик даврларимда Оқтов нақадар гўзал, дов-дарахтзор эди. Ҳозир «ялангоч» бўлиб қолди.

Олим БОЙНИЁЗОВ, Каттақўрғон тумани «Андоқсой» маҳалласи фуқароси.

— Бундан 5-6 йиллар илгари хўжалигимизга сотиш учун газ баллонлари келтиришарди. Билмадим, балки иқтисодий қийинчилик сабабдир, суюлтирилган газ баллонлари келмай қўйгани учун аҳоли газ плиталаридан фойдаланмай ҳам қўйди. Хўжалигимиздан 4-5 чақирим масофадаги «Мойбулоқ» хўжалигига табиий газ келган. Бизга келганда бир неча бор лойиҳалаштирилишига қарамай, масала муаммолигича қолмоқда...

Муддаоимиз фуқароларнинг бу эътирозларини шунчаки баён этиш бўлмаса-да, муаммолар сабабларига аниқлик киритиш нуқтаи назаридан **вилоят суюлтирилган газ сотиш корхонаси** маъмуриятига мурожаат қилдик.

— Корхонамиз баллонларга бир кунда 20 тоннагача суюлтирилган газ қуйиш қувватига эга, — дейди **корхона раҳбари Тўрақул ИГАМБЕРДИЕВ.** — Афсус, баллонлар етишмайди. Ҳозир корхонамизда фақат 10 кг. ҳажмдаги баллонлар мавжуд бўлиб, улар 500 дона. Таъминот жараёнида аҳоли билан алмашинаётган баллонлар аксарият ҳолларда яроқсиз даражага тушиб қолмоқда. Доимий айланма ҳаракатда ишлаётган шу 500 баллондан ҳам 230 таси бугунга келиб таъмирталаб. Тўғри, корхонамиз қошида газ баллонларини таъмирлаш устахоналари бор. Улар ишлаб турибди. Лекин, эҳтиёт қисмлар масаласи чатоқ. Аксарият баллонларга ўрнатиладиган КЛАПН — К.Б-8, ВЕНТИЛ В.Б -10 мосламалари ишдан чиққан. Бунақа эҳтиёт қисмлар аввалари Украинадан келтириларди. Ҳозир камёб. 2001 йилда 500 дона янги газ баллонлари ҳарид қилгандик. Илгари газ баллонлари сони 2 мингтага етган бўлса, астасекин шундан 1,5 мингтаси яроқсизлиги туфайли металломга топширишга тайёр бўлиб қолган. Ҳозир бир дона газ баллонининг эркин савдодаги ўртача нархи 25-30 минг сўм...

Кузатувларимиз ва ўтказган суҳбатларимиз тафсилотига кўра, ҳар килограмми 54,5 сўмдан тушаётган суюлтирилган газни вилоят аҳолисига етказиб беришда муаммолар етарли. Бир томондан — газ баллонлари танқислиги бўлса, иккинчидан — иқтисодий етишмовчилик корхона манфаатларига тўғри келмаслиги ҳам ҳақиқат. Аммо, нима бўлганда ҳам одамлар манфаатини кўзлаб, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш — корхонанинг биринчи галдаги вазифаси эмасми?

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

Ўчоқларда нима ёнаяпти?

Яккабоғ туманидаги «Ҳисор» ширкат хўжалигига қарашли юксак тоғлар бағридаги Қайрағоч қишлоғида бўлганимизда, «баллонли газ етишмаслиги, нархи қимматлиги» ҳақидаги арзларни эшитдик...

Туман ҳокими ўринбосари Мансур ҲАСАНОВ бизни газлаштириш идораси томон бошлаб, бир воқеани гапириб берди.

— Бу ерда суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси 1983 йилдаёқ қурилган, — гап бошлади у. — Бироқ, орадан 3-4 йил ўтгач, вилоят газига мутасадди кишилар бу ишга рухсат беришмади ва ускуналар йўқолиб кетди. Сабаби, газни Қарши шаҳридаги шахобчадан ташиб келиш лозим эди. Очиғи, суюлтирилган газни сотишдан кимлардир манфаатдор бўлиб, ўзгаларнинг қийналгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бу эртак эмас, собиқ тузум қиёфасини кўрсатувчи «лавҳа»лардан бири, холос.

— Мен узоқ йиллар Шаҳрисабз газлаштириш идорасида ишлаб, бу азобларни ўз бошимдан кечирганман, — дейди **Яккабоғдаги янгидан қурилган тумунлараро газ қуйиш шахобчаси бошлиғи Алихон НОРХЎЖАЕВ.** — Камида 120-140 километр йўл босиб Қаршига борардик, баллонларни газга тўлдириш учун ҳафталаб навбат кутардик. Мана, энди кўп туманлардаги аҳоли орзуси амалга ошди — 4 ойдан буён суюлтирилган газ қуйиш шахобчаси ишлаяпти. Бир кунда 50-60 тоннагача газ қуя оламиз. Энди «Шўртангаз-кимё» мажмуидан газ келтирмоқчимиз. Таркиби тоза ва сифатли. Бироқ, ҳозирча корхонадан фақат махсус вагонлар орқалигина суюлтирилган газ чиқарилади. Темир йўл масаласини ўйлаб кўриш керак...

Республика Вазирлар Маҳкамасида бўлган Мажлисда Президентимиз **на табиий, на суюлтирилган газ билан таъминланмаган Қашқадарё вилоятидаги 387 қишлоқни** айтиб ўтдилар. Бу мамлакатда энг катта кўрсаткич. Очиғи, оқма ва суюлтирилган газнинг 90-92 фоизи тайёрланаётган вилоятда бундай аҳволнинг юз бераётганини изоҳлашга қийналасан киши?!

— Республика «Бошкомгаз» бошқармаси ўтган йили 38 минг тонна суюлтирилган газни аҳолига етказиб берди, — дейди **Қашқадарё вилоят газлаштириш идораси бошлиғи Алишер ҲАМИДОВ.** — Бизнинг эҳтиёжимиз 14 минг тоннадан ошиқ эди, аммо 8 минг 244 тонна газ олдик. Бу йил эса 10 минг тонна газ ажратилаяпти. Тан олиш керак, «булоқ» бошидамиз — шунинг учун таъминот яхшиланиб бораяпти. Вилоятда ҳозирча 146 минг хонадонга суюлтирилган газ етказиб бериш лозим. Келгусида оқма газ билан таъминлаш режаси тўла рўёбга чиққач, бор-йўғи 42 минг хонадон қолади. Уларнинг асосий қисми тоғли Деҳқонобод, Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ, Китоб, Қамаши туманларида. Даштларда тарқоқ жойлашган қишлоқларга табиий газ қувурларини тортиб бориш, биласиз, жуда мушкул иш. Яқинда Яккабоғда қурилган газ қуйиш шахобчамиз 5 та туманда газ таъминотини тубдан яхшилади. Қаршидаги шахобча ҳам ишлаб турибди. Келгусида «Шўртангаз» шўъба корхонаси ва «Муборакнефтгаз» конлари бошқармасида ҳам суюлтирилган газ қуйиш ускуналари ўрнатилади... Фақат битта муаммо: суюлтирилган газ учун баллонлар етишмайди, мавжудлари эса эскирган. Чунки, баллонлар Россия ва Белорусия давлатларида ясалади. Агар адашмасам, республикамизга улар охирги марта 1987 йили келтирилганди. Ҳозир ана шу баллонларни таъмирлаш йўлига ўтдик. Бироқ янгиларини ҳам сотиб олиш лозим...

Юнус УЗОҚОВ

Газ бору, баллон йўқ

Хоразм вилоятида истиқлолдан кейин аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси энг юқори нуқтага етгани ва ҳозир бу кўрсаткич 93 фоиздан ошиб кетгани, пировардида, бу йил қиш мавсумида газ таъминотида мўътадиллик сақлангани ҳақли равишда аҳоли миннатдорчилигига сабаб бўлди.

«Хоразмгаз» таъминоти шўъба корхонаси бош директори ўринбосари Матсолий ҚАДАМБОЕВ сўзидан:

— Ҳар йили вилоят қишлоқларида ўнлаб километр янги газ қувурлари тортилмоқда. Масалан, ўтган йили Ҳазорасп туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалигида жойлашган аҳоли манзилгоҳларига ўн километрлик газ қувурлари ётқизилди. Яқин тўрт-беш йил ичида вилоятнинг табиий газ бориб етмаган бирор аҳоли манзилгоҳи қолмайди. Тўғри, аҳолининг тез ўсиб бораётгани, ҳар йили янги-янги посёлкалар барпо бўлаётгани боис бу ишни бирданига юз фоиз уддалаш қийин...

Агар истиқлолдан олдин минг-минглаб хонадонлар табиий газ қувурлари тортилмагани учун улар суюлтирилган газ билангина таъминлаб келингани ва бунда ҳар бир туманда махсус автомашиналар кеча-кундуз хизматда бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугун вазият тамом бошқача: энди корхона томонидан суюлтирилган газ тўлдирилган баллонларни аҳолига элтиб бериш эҳтиёжи йўқ. Чунки, бугун вилоятда суюлтирилган газдан фойдаланаётган хонадонлар сони 2 мингтага ҳам етмайди.

Энг қизиғи, бугун Хива шаҳрида 167 хонадон, Питнак шаҳрида эса 44 хонадон суюлтирилган газдан фойдаланаётганини эшитиб ҳайратимиз ошди. Шаҳарда-я? Қишлоқда бўлса тушуниш мумкин, аммо аҳоли зич, иморатлар бир-бирига шундоқ туташ шаҳарда уйларга газ қувури тортилмаганини изоҳлаш қийин.

Аҳолини суюлтирилган газ билан тўхтовсиз таъминлаш борасида **«Хоразмгаз» таъминот шўъба корхонаси бош муҳандиси Фарҳод АБДУЛЛАЕВ** ҳам аниқ рақамлар келтирди:

— 2003 йил давомида шу мақсадлар учун жами 773 тонна суюлтирилган газ олишни режалаштирганмиз. Бу миқдорнинг ярмидан кўпроғини Бухоро, Муборак, Шўртандан олсак, қолган қисмини Урганч шаҳридаги газ тўлдириш станциясида ишлаб чиқарамиз. Айни пайтда вилоят марказидан нисбатан узоқ жойлашган Боғот ва Ҳазорасп туманларида ҳам станциянинг кичик базалари бор. Лекин, шу ўринда бир муаммо: суюлтирилган газ яхши-ю, аммо газ баллонини тополмай қийналаяпмиз. — Бу матоҳ билан савдо қиладиган ташкилотнинг ўзи йўқ. Бозорда бор, аксари яроқсиз, пулингга қуйиб қоласан киши...

Чиндан ҳам бугун вилоятда газ баллонлари билан савдо қиладиган корхона йўқ. Айрим «тадбиркорлар» пойтахтдан келтириб, қимматига сотишяпти. Боз устига, улар баллон сифатига кафолат беришмайди... Станцияга бориб, ичига газ солганингда — яроқсизлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

ТАҲРИРИЯТДАН:

Кўриниб турибдики, камчилик ҳам, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам оз эмас. Чекка қишлоқларни суюлтирилган газ билан таъминлаш масаласини такомиллаштириш ҳақида жиддийроқ ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Назаримизда асосий камчилик ажратилаётган фондда ёки баллон етишмаслигида эмас, балки масъул идоралар раҳбарларида жонкуярлик, фидойилик етишмаётганида бўлса керак.

Биз ушбу мақола юзасидан мутасаддиларнинг фикр-мулоҳазаларини кутамиз.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

● Ўзбекистон ХДПдан сайланган Олий Мажлис депутати Т. Баҳронов **Ромитан ва Пешку туманлари** ҳудудида жойлашган ўз сайлов округида бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашди. Депутат Олий Мажлис X сессиясида қабул қилинган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар, уларнинг аҳамияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Учрашув якунида шу ердаги 15 ва 39-мактабларга биттадан янги компьютер тақдим этилди.

● **ХДП Наманган шаҳар кенгаши**да партиядан сайланган депутатлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда МК V пленуми ҳужжатлари асосида янги вазифалар белгилаб олинди ҳамда «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

● **ХДП Юнусобод туман кенгаши** томонидан «Ўзқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган мулоқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони юзасидан бўлди. Унда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази вакили Х.Ҳакимов ушбу Фармондан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида сўзлади.

● **Учқўрғон туман партия кенгаши,** аҳолининг сиёсий онги, ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида, жойларда «Маҳаллам – фахрим менинг» шиори остида учрашув ва мулоқотлар ташкил этмоқда. «Чустлик» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган ана шундай мулоқот маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирокида бўлди.

● **Наманган туман партия кенгаши** ташаббуси билан бир гуруҳ меҳнат фахрийларининг «Етти булоқ» маданият ва истироҳат боғига сайри уюштирилди. Фахрийлар дам олиб, концерт дастуридан баҳраманд бўлдилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

● **ХДП Зангиота, Паркент, Қибрай туман кенгашлари** пленумларида партия ташкилоти фаолиятини жонлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш вазифалари ҳамда ташкилий масалалар кўрилди. Уларда, тегишлича, Р.Назаралиев, Х.Исаева ва О.Тоировлар ушбу партия кенгашлари биринчи котиблари этиб сайландилар. Пленумларда вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов, Қибрай туман ҳокими С.Тошхўжаев, Зангиота ва Паркент туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари Ф.Саидов, Х.Эрматов ва Г.Исломовалар сўзга чиқдилар.

● **Уйчи туман партия кенгаши** пленумида Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши биринчи котиби М.Абдуллаева иштирок этиб, «Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти муносабати билан партия ташкилотларининг вазифалари» мавзуида маъруза қилди.

● **ХДП Хоразм вилоят кенгаши** «Партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш — давр талаби» мавзуида семинар-кенгаш ўтказди. Унда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда партия ташкилотлари иштирокини фаоллаштириш ҳақида вилоят партия кенгаши биринчи котиби Б.Бобожонов маъруза билан чиқди, Олий Мажлис депутати И.Бойжонов партиянинг парламентдаги депутатлик фракцияси фаолияти ҳақида ахборот берди. Ўзаро мулоқот руҳида ўтган семинар сўнггида партия фаолларидан бир гуруҳига «Фахрий ёрлиқ» ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

● **Чуст тумани** «Сабзазор» маҳалла ҳудудий партия ташкилоти негизида мазкур туман партия кенгаши томонидан ташкил этилган семинар партия ташкилотларининг маҳаллаларда олиб бораётган мафкуравий, тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш масалаларига бағишланди. Семинарда туман партия кенгаши биринчи котиби М.Бобохонов ХДП МК V пленуми ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тўғрисида сўзлаб берди.

● **Мирзаобод туман партия кенгаши** таркибидаги қатор бошланғич партия ташкилотларида ўтган йиғилишларда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, депутатлар фаолиятини жонлантириш ҳамда уларнинг «Обод маҳалла йили» тадбирларининг амалга оширилишидаги иштироки масалалари муҳокама қилинди. Мазкур туман партия кенгаши тарғиботчилар гуруҳи аъзолари – Н.Каримов, Г.Нишонова, Ў.Бўронов, Қ.Ўтаганов ва Д.Абдуллаевалар уларда маърузалар билан иштирок этдилар.

● Шунингдек, **Оққўрғон, Сирдарё ва Юнусобод туман партия кенгашлари** ҳам, МК V пленуми ҳужжатларини тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида, жойларда очиқ партия йиғилишларини ўтказмоқдалар.

● ҚИЛМИШ — ҚИДИРМИШ

Қаллоблик

ёки «Оқолтин» пахта тозалаш корхонаси директори, бош ҳисобчиси, товаршунослари миллион-миллион сўмлик маҳсулотни талон-торож қилгани ҳақида

Бир кишининг хатоси бошқалар учун сабоқ бўлиши керак. Ҳамкасбининг ножўя иши шеригига хулоса чиқариш учун етарлидир. Афсуски, ҳаётда олди-орқасини ўйламайдиганлар учраб туради.

Бундан 3 йил аввал, Сирдарё вилоятидаги «Оқолтин» пахта тозалаш корхонасида юз берган жиноятлар фош этилиб, бир неча киши судланган, айбдорлардан етказилган зарарнинг асосий қисми ундириб олинган эди. Ўшанда ҳам жиноят асосан корхонанинг раҳбар ходимлари томонидан содир этилганди. Улар орасида директор, бош ҳисобчи, товаршунос ва омбор мудири бор эди.

Бу галги талон-торожлик, суиистеъмолликлар ҳам аввалгисига бирмунча ўхшаб кетади. Давлат мулкига кўз олайтирганлар яна директор, бош ҳисобчи ва бошқа моддий жавобгар шахслар бўлиб чиқди.

Жиноий иш дастлаб корхона директори Анвар Сафаровга нисбатан қўзғатилди. Бунга пахта чигитини ва чиқитларини талон-торож қилиш ҳолатлари сабаб бўлди. Анвар Сафаров қонунга хилоф буйруқлар бериб, ҳар тоннаси 12890 сўмдан бўлган улюкни 800 сўмдан, ҳар тоннаси 9150 сўмдан бўлган пух маҳсулотини 500 сўмдан сотиш оқибатида корхонага 14 миллион сўм зарар келтирган.

Бундан ташқари, корхонага қарашли Усмон Носир номли пахта қабул қилиш пункти томонидан қайта ишлашга берилган 5848 тонна пахтадан 1951 тонна чигит чиқиши лозим бўлгани ҳолда чигит миқдори 1010 тонна чиқди, деб кўрсатилиб, салкам 941 тонна ёки 14 миллион сўмлик чигит талон-торож қилинган.

«Андижон» пахта қабул қилиш пунктида ҳам худди шундай ҳолат рўй берган. Хўжалик томонидан қайта ишлашга берилган 1281 тонна пахтадан 262 тонна ўрнига 211 тонна чигит чиқди, деб ҳужжат расмийлаштирилган. Усмон Носир номли ва «Андижон» пахта пунктларида 9 миллион 919 минг сўмлик, қарийб 992 тонна чигит талон-торож қилиниб, маблағлар ўзлаштириб юборилган. Жами зарар 25 миллион сўмдан зиёд.

Корхона директори Анвар Сафаров пихини ёрганлардан экан. У завод товаршуноси Шерзод Абсатов билан олдиндан жиноий тил бириктириб, иккала пункт пахтасидан олинган 2214 тонна чигитнинг 1221 тоннасини Гулистон ёғ-экстракт заводига топширтирган. Салкам 992 тонна чигит эса номаълум шахсларга сотиб юборилган. Бу «операция»да корхона бош ҳисобчиси Миркозим Қобилов, товаршунос Ойбек Умрзоқовларнинг ҳам «қўли» борлиги аниқ далиллар билан исботланди. Фақат бугина эмас, Анвар Сафаров корхонанинг дебитор қарзларини ундириш чораларини кўрмаган. Бунинг устига кредитор қарзларини камайтиришни ҳам хаёлига келтирмаган. Оқибатда 2002 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, дебиторлик қарзлари 176 миллион 798 минг сўмни, кредиторлик қарзлари бир миллиард 733 миллион 810 минг сўмни ташкил этганлиги сабабли корхона ишчи-хизматчилари иш ҳақларини ўз вақтида олишмаган. Аниқроқ қилиб айтсак, корхона улардан 45 миллион сўм қарздор бўлиб қолган. Пахта тозалаш заводи директори Анвар Сафаров бошлиқ раҳбарлар эса ўғирлик, сохта ҳужжатлар тузиш йўли билан ўз чўнтакларини тўлдиришаверган.

Яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш ўринли. Улюк ва пух нархини арзонлаштириш оқибатида келтирилган зарар салкам 14 миллион сўм. Аслида шу маҳсулотларни арзонлаштирилган нархда сотишдан 6 миллион 389 минг сўм зарар келтирилган. Қолган 7 миллион 507 минг сўмлик маҳсулот эса ишчи-хизматчиларга сотилган, дея сохта ҳужжатлар тузилганига нима дейсиз?

«Оқолтин» пахта тозалаш корхонасига ин қуриб олган қаллобу ўғрилар сири очилди. Давлат мулкига кўз олайтиришнинг, кўпчилик ризқини ўмаришнинг охири вой. Бу кўпларга сабоқ бўлиши зарур. Хизмат вазифасидан ғаразли мақсадда фойдаланиб, қинғир иши билан жамоа манфаатига зарар келтирганлар жазосиз қолмайди, албатта. Юқоридаги жиноятларни содир этганлар ҳам тергов жараёнида келтирилган зарарни қоплашди. Ойлаб, йиллаб еганларини бир йўла қайтаришди. Ва уларга нисбатан амнистия қўлланилди. Бизнингча, улар учун энг оғир жазо — бу кўпчилик ишончидан қолгани, эл-юрт олдида юзиқаролиқ.

Раҳматулла ТЎХТАМИШЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи,
Саминжон СУЛТОНОВ,
журналист.

ИРОҚ ХАЛҚИ порлоқ келажакка ишонади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Зеро, Ироқ халқи эртами-кечми мамлакатни қандай қора кучлар чулғаб олаётганини тушуниб етади. Ироқликлар ёруғ кунларнинг келишига ишонч билан яшамоқдалар.

1968 йилдан бери халқ Саддам Ҳусайн ҳақида ўз фикрини очиқ айта олмайди. Бугунги кунда Саддам Ҳусайнга ҳамду санолар айтиб, унинг муваффақиятлари ҳақида хабар тарқатаётганлар, очиқ айтганда бизнес қилишмоқда. Бу гапим, авваламбор, баъзи оммавий ахборот воситаларига тегишлидир.

Бу ерда ҳамма нарсани пул ҳал қилади, ҳа, мўмайгина пул. Ахбороту хабарларида эса ҳақиқат йўқ. Бу ишга ўзим гувоҳман, чунки ўз пайтида менга ҳам шундай иш таклиф қилинган эди. Эътибор беринг, «Саддам фидокорлари», Миллий Гвардия ва Саддам Ҳусайн атрофидаги бошқа одамлар ҳар қандай шайҳдан ҳам яхши яшашади. Улар бойликларидан ажралиб қолишдан қўрқиб, Ватанни эмас Саддамни, инчунун, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрлар. Урушдан сўнг ироқликлар, халқимизнинг асл фарзандлари кўкракларини кериб, баралла овоз билан «Мен Ироқ фуқаросиман!» дейишларига ишончим комил.

Бугунги кунда Ироқда олиб борилаётган ҳаракатлар нефть учун кураш, мусулмонларга қарши кураш, деб талқин қилинмоқда. Бу хусусда тўхталадиган бўлсам, Ироқ халқи ўткир тиғ ютиб юборган одамга ўхшаб қолган: на йўтала олади, на ютуна олади. Ўз пайтида Саддам Ҳусайн Эрон ва Кувайт мусулмон давлатлари бўлишига қарамай, уларга қарши уруш олиб борган. Ироқдаги курашни ҳам фақат нефть билан боғлаш хато бўлур эди. Сабаблар талайгина. Масаланинг бошқа жиҳати бор. Дунёда ишлаб чиқариладиган нефтнинг ўттиз фоизи Ироқдан чиқади. Қаерга кетяпти унинг ҳаммаси? Нефтнинг фойдасидан фақатгина Саддам ва унинг оиласини ҳимоя қилувчи жангарилар баҳраманд бўлмоқдалар.

Америка масаласига келсак.

АҚШ Ироқ ёки ироқликлар билан эмас, балки Саддам Ҳусайнга қарши кураш олиб бормоқда. Америка Ироқ халқининг демократик йўл билан ривожланишини истайди. Бизда мамлакатни шу янги йўлдан етакловчи кучлар ҳам бор. Яқинда улар Лондонда мамлакатимиз келажагига бағишланган йиғилиш ўтказдилар, сўнгра Ироқнинг шимолига — Курдистонга қараб йўл олдилар. Мамлакат ташқарисида яшовчи беш миллиондан ортиқ ироқликларнинг ҳаммаси, урушдан сўнг Ироққа қайтишларига ишонаман. Албатта, мен ҳам Ватанимга қайтаман. Ўз пайтида сўнгги манзилларига кузатиб қўя олмаган ота-онамнинг қабрларини зиёрат қилишни истайман.

Ироқ ҳар ким ўз фикрини кўрқмай баён эта оладиган демократик давлат бўлади. Ҳозир эса буни тасаввур ҳам қилиш қийин.

Ироқ халқи ўз келажагини дўстлари билан биргаликда қуради. Ўзбекистон ўзининг бой салоҳияти билан бу жараёнда фаол иштирок этишига ишонаман. Бир пайтлар Ироқда ишлаган ўзбек мутахассисларини ҳанузгача унутишгани йўқ. Ўзбек биродарлари Ироқ халқига ёрдам қўлларини биринчилар қаторида узатишига аминман.

Аҳмад ал-ЗУБАЙДИ



Уруш бошлангандан бери

Пентагоннинг расмий вакили Стэнли Маккристал берган маълумотларга таяниб, Reuters агентлиги тарқатган ахборотда ёзилишича, иттифоқчи кучларнинг ҳарбий ҳаракатлари бошлангандан бери Ироққа 8700 та бомба ва ракета ташланган. Британиянинг Sky News телеканали берган хабарга кўра эса, фақат 30,31 март кунларининг ўзида асосий стратегик жойларга 3 мингтага яқин бомба ёғдирилган. Бу уруш бошлангандан бери ташланган бомбаларнинг учдан бирини ташкил этади.

Омбор эгалланди

АҚШ денгиз пиёдалари Ироқнинг жанубий қисмида 40 та бино комплексидан иборат қурол-аслаҳа омборини қўлга киритдилар.

Reuters агентлигининг хабар беришича, бу омборхона ҳажми ва сақланаётган қурол-яроғларнинг сонига кўра АҚШнинг Жанубий Каролина штатидаги денгиз пиёдалари 1-экспедиция корпусининг «Форт Пендлтон» базаси омборхонасига тенг экан.

Қочишга рухсат йўқ

Бағдод шаҳри аҳолиси шаҳарни ташлаб чиқиб кетишларига Ироқнинг миллий гвардияси рухсат бермаяпти. Бомба портлашларидан, ракета отишмаларидан қўрқувга тушган аҳоли шаҳардан чиқиб кетишга ҳаракат қилмоқда, бироқ миллий гвардия кучлари уларни шаҳарда қолишга мажбур этмоқда ва бу билан Ироқ қўшинлари ҳамда раҳбариятни мудофаа этишда тирик қалқон сифатида фойдаланмоқда, дейилади Эроннинг IRNA агентлиги ахборотида.

Маълумотларга кўра, асосий ҳарбий объектлар ва ракета қурилмалари Бағдоднинг аҳоли яшайдиган қисмига жойлаштирилган. Агар коалиция кучлари бу объектларни бомбардимон қилса, табиийки, тинч аҳоли ўлими ҳам қайд этилади. Демак, мафкуравий мақсадларни назарда тутиб, яъни «мана тинч аҳолини бомбардимон қилмоқда» дея дунёга аюҳаннос солиш учун шундай қилинган.

Халқаро текширув

Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вакиллари ҳарбий асирларнинг аҳволи, улар сақланаётган лагерлардаги шарт-шароит билан яқиндан танишиш ва текшириш мақсадида биринчи марта Умм-Қаср шаҳри яқинидаги лагерга ташриф буюрдилар. Бу лагерда коалиция кучлари томонидан қўлга олинган ироқлик асирлар сақланмоқда.

Қизил Хоч вакиллари бошқа лагерларни ҳам кўздан кечиришади. Шунингдек, иттифоқчи кучлар томонидан асирга тушган ва Ироқ лагерларида сақланаётган асирлар ҳаёти билан ҳам танишадилар. Расмий маълумотларга кўра, Ироқ лагерларида АҚШнинг 7 аскари асирликда сақланмоқда. Коалиция кучлари лагерларида эса Ироқ армиясининг 8 мингга яқин ҳарбийси тутқунда, дея хабар беради ИТАР-ТАСС агентлиги.

Газетада ёзишларича...

Исроилнинг «Едиот Ахронот» газетаси берган маълумотга кўра, Ироқдаги уруш Исроилга 200 миллион долларга тушмоқда. Асосий зарар корхона ва ташкилотлар ҳисобига бўлган, яъни уруш бошланган пайтда икки кун исроилликлар ишга чиқишмаган. Улар Ироқнинг «Скад»ларидан эҳтиётланиш учун бомбапаноҳгоҳларда ўтиришган.

1991 йили «Кўрфаздаги уруш» даврида шундай ракеталардан Исроилга 39 таси отилган эди.

Яна бир асосий харажат армия заҳираси учун (11 минг нафар) қўшимча чақирувга сарфланди. Шуни таъкидлаш керакки, дейилади газетада, «шамолга совурилган маблағ»нинг бир қисми противогазлар учун ҳам харжланади. Негаки, Ироқда уруш бошлангач, буйруққа кўра исроилликлар противогаз фильтрларининг предохранителларини ечиб олишган. Энди эса бу фильтрларнинг барчасини алмаштиришга тўғри келади.

Бундан ташқари яна маълум бир маблағ мамлакатда кучайтирилган жанговар тайёргарликни таъминлашга, жумладан, Исроил ҳарбий ҳаво кучлари самолётларининг мамлакат осмонини қўриқлаб, парвоз этишларига сарфланмоқда.

Кузатувчиларнинг фикрича, сарфланган 200 миллион доллар бу ҳали якуний хулоса эмас. Негаки, минг нафар тиббиёт ходими ва қутқарув хизмати ходимларининг эмланиши, шунингдек, жамоат биноларининг герметик муҳофазаланишига кетган харажатлар бу ҳисобга ҳали киритилмаган.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

Хитой филологияси кафедраси, *катта ўқитувчи — 1 ўрин;*

Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, *доцент — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин;*

Исломшунослик кафедраси, *катта ўқитувчи — 1 ўрин;*

МДҲ, Европа ва Америка мамлакатлари иқтисоди кафедраси, *катта ўқитувчи — 1 ўрин;*

Информатика ва информацион технологиялар кафедраси, *ўқитувчи — 1 ўрин;*

Халқаро иқтисодий муносабатлар ва маркетинг кафедраси, *катта ўқитувчи — 1 ўрин;*

Герман тиллари кафедраси, *кафедра мудири — 1 ўрин;*

Инглиз тили кафедраси №2, *катта ўқитувчи — 2 ўрин;*

Роман тиллари кафедраси, *катта ўқитувчи — 1 ўрин;*

Туркиёт кафедраси, *профессор — 1 ўрин;*

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси, *кафедра мудири — 1 ўрин;*

Ўзбек тили кафедраси, *доцент — 1 ўрин.*

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой муддат ичида топширилиши лозим.

Ҳужжатлар:

1. *Ректор номига ариза.*

2. *Шахсий варақа (фотосурат билан).*

3. *Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида аттестат.*

4. *Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.*

Бизнинг манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25. Тел.: 133-44-36

«Наврўз универсал бозори» ОАЖнинг

2003 йил 5 мартда ўтказилган акциядорларнинг умумий мажлисида қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Аудиторлик текшируви хулосаси тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган Тафтиш комиссияси текшируви ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият баланси тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

Жами даромадлар — 109580,9 минг сўм, жами харажатлар — 103543,9 минг сўм.

Соф фойда — 6037 минг сўм.

Шундан, жамиятнинг заҳира жамғармасига — 301,9 минг сўм.

Жамиятни ривожлантириш жамғармасига — 2000 минг сўм.

Дивидендлар тўлашга — 3735,2 минг сўм.

Бир дона акцияга ҳисобланган дивиденд — 128,80 сўм.

5.1. Ҳар бир акцияга 109,48 сўмдан дивиденд 60 кун ичида берилсин.

6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб «Гарант-Аудит» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин.

8. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилсин:

8.1. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари В.Ф.Нуралиев, Х.Зупаров, С.С.Ганиев ва Я.С.Акбаровалар Кузатув Кенгаши аъзолигидан ўз розилиги асосида чиқарилсин.

8.2. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолиги лавозимига А.Аҳмадхўжаев ва Р.К.Аҳмедов номзоди киритилсин.

9. «Бўз» шахобчасида қурилган бино ва иншоотлар.

«Ширин» шахобчасида қурилган гўшт дўконлари.

«Яланғоч» шахобчасидаги озиқ-овқат дўконлари белгиланган тартибда жамият балансига киритилсин.

10. Жамият бошқаруви раиси Т.Н.Исмоиловнинг ваколати 1 йил муддатга, яъни 2004 йил 5 мартгача узайтирилсин.

11. Жамиятнинг 2003 йилги иш режаси (бизнес-план) лойиҳаси тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 13 февралдаги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг Низом жамғармаси 10710,0 минг сўм Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан жамият қурилиши учун ажратилган маблағи ҳисобига (розилигига асосан), 10290,0 минг сўми эса жамият томонидан эълон қилинган акциялар чиқарилиши йўли билан умумий миқдори 21000 минг сўмга оширилиб, жамиятнинг янги Низом жамғармаси 50000,0 минг сўм деб тасдиқлансин ва қуйидаги тартибда тақсимлансин:

— Ҳокимлик улуши — 51 фоиз — 25500 дона акция — 25500,0 минг сўм;

— Эркин савдо улуши — 47,7 фоиз — 23848 дона акция — 23848,0 минг сўм;

— Меҳнат жамоаси улуши — 1,3 фоиз — 652 дона акция — 652,0 минг сўм.

Шунингдек, ушбу тартибдаги акцияларнинг қуйидаги миқдорини жойлаштирилганлиги инобатга олинсин:

— Ҳокимлик улуши — 51 фоиз — 14790 дона акция — 14790,0 минг сўм;

— Эркин савдо улуши — 47,7 фоиз — 13558 дона акция — 13558,0 минг сўм;

— Меҳнат жамоаси улуши — 2,25 фоиз — 652 дона акция — 652,0 минг сўм.

13. Жамиятнинг Низомига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар тасдиқлансин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Эслатма: акциядорларга дивидендлар Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 41-а уйда берилмоқда.

ОЧИҚ ГАПЛАР

«Қорақалпоқтутинув» ва пистафурушу сомсафурушлар

ЁКИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ АЙРИМ МАКТАБЛАР ОШХОНАЛАРИДАГИ АҲВОЛ ҲАҚИДА

Мана бу манзара ҳаммага яхши таниш бўлса керак: эрталаб мактабга ошиқаётган фарзандга ота-она «нонушта қилиб олгин» дея зорланади.

— Иштаҳам йўқ, мактаб ошхонасида овқатланиб оларман, — дейди фарзандингиз. Унга овқатланиш учун етарли пул берганингиз учун хотиржам бўласиз.

Аммо фарзанди мактаб ошхонасида нима тановул қилаётганига ҳамма ота-она ҳам қизиқавермайди. Ростдан ҳам фарзандларимизга мактаб ошхона ва буфетларида нималарни таклиф қилишяпти? Кимлар таклиф қилаяпти?

Нукус шаҳридаги 13 коллеж ва 45 умумтаълим мактабларидан 22 тасига «Қорақалпоқсавдо» ҳиссадорлик компаниясига қарашли очиқ турдаги «Турон» ҳиссадорлик жамияти хизмат кўрсатади. Барча ошхоналарда мутахассис ошпазлар ишлайди.

— Тўққиз жойда кондитер маҳсулотлари тайёрланадиган цехларимиз ишлаб турибди, — дейди «Турон» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Абдукарим Абдусатторов. — Бу цехларда кунига 1,5-2 тонна 8-10 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариляпти. Солиқдаги имтиёз — умумий маблағ айланишидан тўлайдиган ўн фоизнинг беш фоизга туширилиши маҳсулотларимиз нархи арзонлашишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бу эса фаолиятимизни кенгайтиришга ёрдам беради.

Шаҳардаги 28-мактаб ўқувчиларига якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи Улмекен Изимбетова хизмат кўрсатади, у ошхонани ижарага олган.

Овқатланиш залида битта стол билан тўртта стул турибди.

— Бир стол учун ойига 10 минг 800 сўм тўлайман. Рухсатномам фақат бир столга. Ҳар ойда солиқ идорасидан келиб, текшириб туришади. Бўлмаса стол-стуллар кўп, ана бир чеккага тахлаб қўйибмиз, — изоҳ беради ошпаз.

Улмекен опа ошхонада шароит йўқлигидан маҳсулотларни уйида тайёрлаб келаркан. Пештахтада чанг босган уч-тўрт хил ширинликлар кўзга ташланади. Шоколадларнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ.

Улмекен опа бу маҳсулотларни бозордан сотиб оларкан. Шунингдек, ун ва ёғни ҳам. Кунига 10 минг сўм атрофида савдо қилади (мактабда 2545 ўқувчи ўқийди). Савдо пулини банкка топширмай, яна бозордан маҳсулот харид қилади.



— Мактаб олдидаги савдогарларни кўряпсизми? Улардан қолишмай деб мен ҳам бозордан худди шундай маҳсулотларни олиб келиб, пештахтага қўяяпман, — дейди у.

Кўчадаги савдогарларнинг омонат столларида эса муддати ўтган шоколад ва печеньелардан ташқари писта, сигарета ва нос ҳам бор эди. Мактаб дарвозасига кираверишдаги киоскада эса пивонинг бир неча хили турибди.

— Бу тижорат киоскаларини мактаб олдига қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганман. Ички ишлар бўлими, участковойдан ҳам ёрдам сўрадим. Натижа бўлмади, кейин ёзишни тўхтатдим, — дейди мактаб директори Айитбой Шомуродов.

Шаҳардаги 3-мактаб директори Бахтигул Шербекова ҳам мактаб олдида савдо қилаётган бир неча савдогарларни солиқ идораси, милиция, санитария-эпидемиология станциясига айтиб ҳам тартибга чақира олмаётганидан куюнади. Директор бу «тадбиркор»лар уйда тайёрлаган, сифатига ҳеч ким кафолат бера олмайдиган маҳсулотлардан болалар заҳарланишидан хавотирда. Ахир бола — бола-да, минг уқтирма чиройига, арзонлигига учиб, мактаб ошхонасига эмас, кўчадаги пистафуруш олдига югуриб қолишади.

— Туманлардаги 262 мактаб ошхона ва буфетларига хизмат кўрсатамиз, — дейди «Қорақалпоқтутинув» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси муовини Гулмирза Йўлдошев. — Ўқувчилар учун арзон ва тўйимли нонушта, иссиқ овқат тайёрлаш бўйича семинарлар ташкил қилдик...

Афсуски, бу борада муаммолар оз эмас. Тўрткўл туманидаги 16-мактаб ҳовлисига кўча савдогарлари кириб, бемалол савдо қилишяпти. Қўлбола пештахталарда уйда тайёрланган пишириқлар, ҳужжатсиз шоколад ва печеньелар...

— Агар мактаб ошхонаси яхши ишласа, улар рақобатда ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, — дейди мактаб директори Б.Тожимуродова.

Мазкур мактабга ҳам «Қорақалпоқтутинув»га қарашли умумий овқатланиш корхонаси хизмат кўрсатар экан. Аммо бу ерда пистафурушу сомсафурушлар «савдо» қилишяпти. Наҳотки, «Қорақалпоқтутинув» улар билан рақобатлаша олмаса?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» компанияларига мактаб ошхоналари моддий-техник базасини яхшилаш, бу соҳада хизмат кўрсатаётган корхона ва тадбиркорларга қулай иш шароити яратиш, маҳаллий солиқларни тўлашда имтиёзлар бериш, мактаб ҳудудларида уйда тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳолларига йўл қўймаслик чораларини кўриш топширилган эди.

Тўғри, кўп ўзгаришлар бўлди, албатта. Аммо юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳукумат талаби ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек амалга оширилаётгани йўқ.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳикматли сўзлар маъноси

Бозор кўрган эчкидан қўрқ

Эчки бошқа чорва молларига қараганда анча айёр бўлади. Мабодо у бозорга олиб борилса-ю, сотилмай қолса, ўз жойига баттар айёрроқ бўлиб қайтади. Чунки у шаҳарга борган, бозорни, ғала-ғовурни, одатдагидан ташқари нарсаларни кўрган. Мазкур мақол айёр одамлар устидан кулинганда ёхуд айёр одамлардан сақланиш, эҳтиёт бўлиш зарурлиги уқтирилганда айтилади.

Берсанг ейман, урсанг ўламан

Бу мақол ночор аҳволга тушиб, бировга муҳтож бўлиб қолган одам тилидан ҳам айтилади, ўзи меҳнат қилиб топишни хоҳламай, бировнинг инъом-эҳсонига умид боғлаб, таъма қилиб юрувчи дангаса, ишёқмас одамларга нисбатан киноя тарзида ҳам айтилади.

Болага «ҳовли» дема, «ҳолва» де

Мажози: «Болага таниш бўлган, у тушунадиган нарсани айтсанггина тушунади, акс ҳолда афтингга бақрайиб қараб тураверади. Болага муносиб сўзлар топиб, гап уқтиришнинг ўзи ҳам бир санъат».

СПОРТ

Учинчи рақиб ҳам маълум

Футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати 2004 йил Хитойда ўтказилишидан хабарингиз бор. Қитъанинг нуфузли мусобақасида ўн олти жамоа иштирок этади. Ҳозирча иштирокчилардан иккитаси маълум: биринчиси — мезбонлар, иккинчиси эса Осиёнинг сўнгги чемпиони — Япония терма жамоаси. Қолган ўн тўрт қатнашчи номи саралаш учрашувлари тугагач аниқ бўлади.

Қуръага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш мусобақаларининг иккинчи босқичидан баҳсларга қўшилади. «А» гуруҳидан жой олган вакилларимизнинг икки рақиби — Таиланд, Тожикистон терма жамоалари номи аввалроқ эълон қилинганди. Ўтган ҳафта Осиё чемпионати саралаш учрашувларининг дастлабки босқичи ғолиблари аниқланди. Ўтиш босқичининг тўртинчи гуруҳида Бангладеш ва Лаос терма жамоаларини мағлубиятга учратган Сянган давлати футболчилари ҳамюртларимизнинг учинчи рақиби сифатида «А» гуруҳидан жой олди. Мусобақа низомига мувофиқ, саралаш босқичининг ҳар бир гуруҳидан иккитадан кучли терма жамоа Осиё чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Кеча футболчиларимиз Минскда Белорусия миллий терма жамоаси билан халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказишди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси автогараж мудири Юнусметов Озодбек Шокаримовичга онаси **Хатмо ЮСУПХОДЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Такрорий аукцион савдолари 2003 йил 17, 24, 30 апрель, 15,29 май кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказилади.

Савдоларга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда жойлашган «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси таркибидаги «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчалари эркин муомаладаги валютага қўйилади:

Тошкент шаҳрида жойлашган:

1. Собир Раҳимов тумани, Тошкент халқа йўлининг Сағбон-Охунбобоев қисми, 18-19 километрида жойлашган 106-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (106-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 224 100 АҚШ доллари.
2. Чилонзор туманида жойлашган 121-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (121-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 107 838 АҚШ доллари.
3. Бектемир тумани, Водник даҳасида жойлашган 124-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (124-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 100 886 АҚШ доллари.

Тошкент вилоятида жойлашган:

1. Чиноз тумани, «Тошкент-Термиз» автошоссесининг 46-километрида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 74 731 АҚШ доллари.
2. Ўрта-Чирчиқ тумани, «Янги Тўлқин» жамоа хўжалиги, Тўйтепа трассасида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (54-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 37 355 АҚШ доллари.
3. Оҳангарон тумани, Тошкент-Ангрен трассасида жойлашган 67-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (67-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 39 802 АҚШ доллари.
4. Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (68-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 42 126 АҚШ доллари.

Бухоро вилоятида жойлашган:

Бухоро вилояти, Жондор туманида жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 32 047 АҚШ доллари.

Самарқанд вилоятида жойлашган:

1. Каттақўрғон тумани, Зарафшон хўжалиги «Тошкент-Самарқанд-Бухоро» трассасида жойлашган 5«А»-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (5«А»-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 35 952 АҚШ доллари.
2. Пайариқ тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (3-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 105 448,8 АҚШ доллари.
3. Самарқанд тумани, Гулистон ширкат хўжалигида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (4-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 38 318,9 АҚШ доллари.
4. Жомбой тумани, Деҳқонобод ширкат хўжалигида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (32-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 88 086 АҚШ доллари.
5. Нуробод тумани марказида жойлашган 8-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (8-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 29 027,5 АҚШ доллари.
6. Пахтачи тумани, Хумор қўрғонида жойлашган 24-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (24-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 41 679,9 АҚШ доллари.
7. Иштихон тумани марказида жойлашган 85-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (85-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 55 691 АҚШ доллари.
8. Пастдарғом тумани, Улуғбек жамоа хўжалигида жойлашган 38-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (38-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 49 724,7 АҚШ доллари.
9. Қўшработ тумани, Зармитон қўрғонида жойлашган 68-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (68-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25 000 АҚШ доллари.
10. Оқдарё тумани, «Самарқанд-Бухоро» автомагистрали бўйида жойлашган 61-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (61-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 35 000 АҚШ доллари.
11. Нарпай тумани, «Мирбозор» қўрғонида жойлашган 6-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (6-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 61 186 АҚШ доллари.
12. Самарқанд шаҳри, Сиёб тумани, Чўпонота даҳаси, «Самарқанд — Тошкент» трассасида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (1-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 458 600 АҚШ доллари.

Инвестиция каратиш мажбурияти билан савдоларга қўйилган объектлар:

1. Пастдарғом тумани, «Самарқанд-Қарши» трассасида жойлашган 45-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (45-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 13 800 АҚШ доллари.
2. Ургут тумани, «Самарқанд-Ургут» трассасида жойлашган 22-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (22-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 36 800 АҚШ доллари.

Қашқадарё вилоятида жойлашган:

1. Чироқчи тумани, Ф. Хўжаев ширкат хўжалиги, Кўкдала қишлоғи «Қарши-Самарқанд» трассасида жойлашган 18-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (18-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 10 202 АҚШ доллари.
2. Чироқчи тумани, Ф. Хўжаев ширкат хўжалиги, Айритом қишлоғида жойлашган 19-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (19-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 12 608 АҚШ доллари.
3. Деҳқонобод тумани, Кўкбулоқ ширкат хўжалиги, Ғузор қўрғони, Сочтепа қишлоғида жойлашган 32-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (32-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 18 000 АҚШ доллари.

Сирдарё вилоятида жойлашган:

1. Гулистон шаҳрида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (1-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 19 054 АҚШ доллари.
2. Ш. Рашидов туманида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (10-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 20 657 АҚШ доллари.

Сурхондарё вилоятида жойлашган:

1. Сариосиё тумани, «МСО» қўрғони, Бинокор кўчасида жойлашган 25-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (25-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 17 114 АҚШ доллари.
2. Термиз тумани, Жданов номидаги хўжаликда жойлашган 15-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 56 014 АҚШ доллари.
3. Термиз тумани, Каптархона қўрғони, «Термиз-Ангор» трассасида жойлашган 16-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (16-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 30 595 АҚШ доллари.
4. Музрабод тумани, Янгиобод шаҳри, «Янгиобод-Шеробод» марказий трассасида жойлашган 27-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (27-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25 969 АҚШ доллари.
5. Сариосиё тумани, Г. Хидиров хўжалиги, Дехкаландар қишлоғи, М-39 марказий трассасида жойлашган 26-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (26-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 26 206 АҚШ доллари.
6. Жарқўрғон тумани, Оққўрғон хўжалиги, М-39 «Термиз-Душанбе» трассасида жойлашган 19-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (19-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 25 974 АҚШ доллари.
7. Денов тумани, С. Отабоев номидаги хўжаликда жойлашган 22-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (22-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 27 673 АҚШ доллари.
8. Бойсун тумани, Сайроб шаҳри, «Чилонзор» кўчаси 5/5-уйда жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (17-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 17 978 АҚШ доллари.

Наманган вилоятида жойлашган:

1. Давлатобод тумани, Қўқумбой кўчасида жойлашган 24-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (24-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 51 065 АҚШ доллари.
2. Уйчи тумани, Қизил Ровот қишлоғи, «Янгиариқ» кўчасида жойлашган 17-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (17-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 27 147 АҚШ доллари.
3. Наманган вилояти, Норин тумани, «Наманган-Андижон» трассасида жойлашган 44-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (44-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 20 000 АҚШ доллари.

Хоразм вилоятида жойлашган:

1. Хазорасп тумани, Питнак шаҳрида жойлашган 15-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (15-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 27 580 АҚШ доллари.
2. Хива тумани, Б. Нуруллаев ширкат хўжалигида жойлашган 14-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (14-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 35 444 АҚШ доллари.
3. Янгиариқ туманида жойлашган 16-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (16-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 36 599 АҚШ доллари.
4. Хоразм вилояти, Хазорасп туманида жойлашган «Саримай» автокемпинги.
Бошланғич баҳоси — 764 733 АҚШ доллари.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган:

1. Чимбой шаҳрида жойлашган 54-сонли контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (54-КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 28 350 АҚШ доллари.
2. Мўйноқ шаҳрида жойлашган контейнер туридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (КАЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 26 691 АҚШ доллари.

Навоий вилоятида жойлашган:

1. Навоий вилояти, Хатирчи тумани марказида жойлашган 1-,2-сонли бирлашган автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси. (1-,2-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 20 000 АҚШ доллари.
2. Навоий вилояти, Зарафшон шаҳрида жойлашган 3-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (3-АЁҚШ).
Бошланғич баҳоси — 36 300 АҚШ доллари.

Шунингдек, 2003 йил 10,24 апрель, 15,29 май кунлари соат 12.00 да республика Биржа маркази биносида такрорий ўтказиладиган танлов савдоларига бинони қайта таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш йўналишига инвестиция киритиш шарти билан қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзаев кўчаси, 35-уйда жойлашган 36-сонли дорихона.
Бошланғич баҳоси — 3 400 000 сўм.

Тақдим этилган мухрланган конвертлардаги бизнес-режалар 2003 йил 10 апрелда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 24 мартда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 15 майда (шу куни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушмаган тақдирда), 29 майда республика Биржалар маркази биносининг 3-қаватидаги мажлислар залида очилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Инкониятангазни бой бермангиз!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт. Закалат пули харид қийматига қўшилади. Мағлуб харидорларга қайтариб берилади.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин, танлов савдолари бўйича 3 кун олдин тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. **Факс:** 136-06-17.
www. uzrkmb. com. Лицензия рақами: 000004

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 247

16178 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA